

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВА НИЛУФАР САФАРОВНА

ОБРАЗЛИ ТАФАККУР ВА ЎЗБЕК БОЛАЛАР НУТҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
philological sciences**

Ахмедова Нилуфар Сафаровна Образли тафаккур ва ўзбек болалар нутқи.....	5
Ахмедова Нилуфар Сафаровна Образное мышление и речь узбекских детей.....	29
Axmedova Nilufar Safarovna Figurative thinking and speech of Uzbek children.....	54
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	58

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВА НИЛУФАР САФАРОВНА

ОБРАЗЛИ ТАФАККУР ВА ЎЗБЕК БОЛАЛАР НУТҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.1.PhD/Fil681 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти веб-саҳифасининг www.tai.uz ҳамда “Ziynet” ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz. манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худойберганова Дурдона Сидиковна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маматов Абди Эшонкулович
филология фанлари доктори, профессор

Муҳамедова Саодат Худойбердиевна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (871) 233-71-44; факс: (871) 233-71-44; e-mail:uztafi @academy.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Н.М.Маҳмудов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.,
профессор

Ғ.М.Исмоилов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш
котиби, ф.ф.н, катта илмий
ходим

И.Ж.Йўлдошев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси ўринбосари,
ф.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида сўнгги йилларда тилнинг барча сатҳларига оид бирликларни фалсафий-психологик, когнитив, ижтимоий-маданий хусусиятларига кўра талқин қилиш асосий мезонлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ўзида мана шундай хусусиятларни намоён қилувчи болалар нутқига XX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб лингвистик тадқиқот объекти сифатида ёндашиш шаклланиб борди. Бугун тилнинг асосий соҳаларидан бири сифатида эътироф этилаётган онтолингвистика босқичма-босқич истиқбол сари одимламоқда.

Дунё тилшунослигида тафаккур ва тил масалалари азалий муаммо сифатида асрлар давомида ўрганиб келинади. Хусусан, тафаккурнинг образлар воситасида шаклланидиган тури инсониятнинг илк ривожланиш даврларидан ҳозирги кунгача дунё сир-синоатларини идрок этишда асосий восита вазифасини бажариб келмоқда. Айниқса, бола онтогенезида образли тафаккур унинг олам ҳақидаги билимларни ўзлаштиришида, сўз ижодкорлигида жуда муҳим саналади. Шу сабабдан болалар нутқини образли тафаккур билан алоқадорликда ўрганиш мавзуси тилшуносликда янгича ёндашувдаги тадқиқотлар заруриятини келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда тил соҳасида олиб борилаётган янги ислохотлар, бу борада қабул қилинаётган қонун ва фармонлар ўзбек тилида илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантиришни, соҳада сифат жиҳатидан юксак даражадаги фундаментал изланишларни амалга оширишни тақозо қилмоқда. Зеро, “Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш”¹ масаласи тилшунослар зиммасига катта масъулият юклайди. Хусусан, ўзбек тилшунослигининг онтолингвистика соҳаси, унга дахлдор болалар нутқи, уларнинг лисоний тафаккурини тадқиқ этиш ҳам шу куннинг долзарб масаласига айланган. Айниқса, болалар нутқини образли тафаккур билан алоқадорликда ўрганиш тил бирликларининг болалар томонидан ўзлаштирилиши, уларнинг воқеланиш усуллари, болалар нутқи онтогенези, бола тафаккури тараққиётига хос хусусиятларни аниқлашда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, мазкур муаммо тадқиқи ўзбек тилшунослигининг психоллингвистика йўналиши ривожига хизмат қилиши баробарида ёш авлоднинг миллий-маданий тафаккури ва миллий тили шаклланишига хос хусусиятларни ёритиш имконини ҳам беради. Бу эса ушбу диссертация мавзуси ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларидан бири эканлигини тасдиқлайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон Фармони. Манба: <https://lex.uz/docs/5058351>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон Фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4479-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 984-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тафаккур ва тил муаммоси қадимдан баҳс-мунозараларга бойлиги сабабли унинг ўрганилиш тарихи ҳам қадимги ҳинд, хитой, юнон фалсафасидан тортиб, Шарқ ва Ғарб Уйғониш даври фалсафаси ҳамда замонавий давр фалсафаси, психологияси ва тилшунослигига бориб уланади. Мазкур муаммо дунё фалсафасида антик давр файласуфларидан бошлаб, ҳозирги кунда Д.Дьюи, А.С.Никифоров, А.Г.Спиркин; психологик йўналишда Ж.Пиаже, Л.С.Выготский, Л.Л.Гурова, М.М.Сидоров, К.Б.Судаков, Л.Б.Ительсон, С.Л.Рубинштейн, А.Р.Лурия, Д. Кун, Ю.Б.Гиппенрейтер, Э.Ф.Ғозиев² каби олимларнинг илмий тадқиқотларида атрофлича ўрганилган бўлса, образли тафаккурнинг нутқда лисон орқали ифодаланиши жаҳон тилшунослигида В. Фон Гумбольдт, А.А.Потебня, В.В.Виноградов, А.А.Шахматов, Н.Д.Арутюнова, В.К.Харченко, В.Н.Телия, В.Г.Гак, О.И.Блинова, Г.Н.Скляревская, Б.А.

² Сидоров М.М. Как человек стал мыслить? – М.: Политиздат, 1965. – 143 с.; Хрестоматия по общей психологии. – М.: МГУ, 1979. – 272 с.; Никифоров А.С. Познание мира. – М.: Современная Россия, 1989. – 192 с.; Судаков К.Б., Рылов А.Л. Тайны мышления. Генетические поведения. – М.: Педагогика, 1990. – 128 с.; Выготский Л.С. Психология искусства. – Ростов н/Д: Феникс, 1998. – 480 с.; Спиркин А.Г. Философия. – М., 1999. – 816 с.; Дьюи Д. Реконструкция в философии. Проблемы человека. – М.: Республика, 2003. – 494 с.; Ительсон Л.Б. Лекции по общей психологии. – Минск: Хорвест, 2003. – 563 с.; Гурова Л.Л. Психология мышления. – М., 2005. – 135 с.; Выготский Л.С. Психология развития человека. – М.: Смысл, 2006. – 1136 с.; Гиппенрейтер Ю.Б. Общаться с ребёнком. Как? – М.: АСТ. Астрель, 2006. – 240 с.; Кун Д. Большая энциклопедия психологии. – Санкт-Петербург: Прайм-Еврознак, 2007. – 720 с.; Пиаже Ж. Речь и мышление ребенка. – Римис, 2008; Выготский Л.С. Мышление и речь. – М.: АСТ, 2008. – 668 с.; Ғозиев.Э.Ф. Психология. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. –352 б.; Рубинштейн С. Основы общей психологии. – М.: Питер, 2015. – 713 с.

Серебренников³ каби таниқли мутахассисларнинг илмий изланишлари доирасида ўз аксини топган.

Ўзбек тилшунослигида ушбу мавзу алоҳида ўрганиш объекти сифатида тадқиқ қилинмаган бўлса-да, унга оид зарур маълумотлар М.Миртожиев, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Ш.Сафаров, Б.Умуркулов, Д.Худойберганова, М.Йўлдошев, Ш.Махмараимова, М.Қурбонова, М.Исмаилов, О.Умархўжаева, Н.Сайидираҳимова, Г.Искандарова⁴ кабиларнинг тадқиқотларида ёритилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ҳозирги глобаллашув даврида ўзбек тили, унинг тарихий тараққиёти ва истиқболлари (ўзбек тили вазифавий услублари таҳлили асосида)” мавзусидаги тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади образли тафаккур асосида воқеланган ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятларини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

образли тафаккурнинг фалсафий, психологик ҳамда лингвистик ёндашувлардаги тадқиқини ўрганиш;

болалар нутқини лингвистик аспектда ўрганиш заруратини ва унинг омилларини ёритиш;

образли тафаккурнинг ўзбек болалар нутқида коннотатив ҳосилалар асосида воқеланишини ўрганиш ва уларни тавсифлаш;

ўзбек болалар нутқидаги тасвирий ифодаларнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиш;

³ Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т. 1-2. – Харьков, 1888. – С. 6-7.; Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – М.: Гослитиздат, 1959. – С. 86.; Виноградов В.В. Русский язык. – М., 1972. – С. 9-45.; Серебренников Б.А. Роль человеческого фактора в языке: Язык и мышление. – М.: Наука, 1988. – С. 193-194.; Арутюнова Н. Д. Метафора и дискурс. / Теория метафоры: Сборник: Пер. с англ., фр., нем., исп., польск. яз. – М.: Прогресс, 1990. – С. 7.; Гумбольдт В. Фон. Избранные труды по языкознанию. – М.: ОАО ИГ “Прогресс”, 2000. – С. 3.

⁴ Исмаилов М.С. Грамматические способы выражения пространственных отношений при двуязычии (на материале узбекско-русского раннего двуязычия): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1988. – 23 с.; Умуркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 56.; Сайидираҳимова Н.С. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 126 б.; Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 154 б.; Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б. 142.; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий образ. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 1. – Б. 3.; Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 118.; Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – Б. 161.; Қурбонова М.А. Ўзбек болалари нутқининг прагмалингвистик аспекти: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, 2018. – 154 б.; Маҳмудов Н. Ўхшатишларда миллий менталлик жозибаси. // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2019. – № 2. – Б. 5-8.; Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 6.; Махмараимова Ш. Лингвокультурология. – Тошкент, 2019. – Б. 121.; Худойберганова Д. Тил. Тафаккур. Маданият. – Тошкент, 2020. – Б. 8.

болалар нутқида сўроқ акти орқали юзага келадиган матнларга хос жиҳатларни ўрганиш;

болаларнинг сўз ва матн яратишдаги ўзига хос томонларини тадқиқ этиш;

ўзбек болалар нутқида учрайдиган эталон образларнинг миллий ва универсал ўзига хослигини ёритиш.

Тадқиқот объектини 2-7 ёшгача бўлган ўзбек болалар нутқидаги образли тафаккурни ифодаловчи бадиий асарлардан олинган насрий ва назмий парчалар, ота-оналарнинг кундаликлари; “Бола тилидан” кўрсатуви, “Бола ширин, сўзи ундан ширин” телеграм гуруҳидаги ота-оналар томонидан юборилган онлайн маълумотлар; Тошкент шаҳар 85-, 97-, 171-, 479-, 395-МТМ, Хоразм вилояти Тупроққалъа туманига қарашли 3- ва 9-МТМ тарбияланувчилари нутқидан олинган мисоллар ташкил қилади.

Тадқиқот предметини образли тафаккур асосида воқеланган ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотда кузатув, сўров, суҳбат, тажриба, тавсифлаш, қиёслаш, дифференциация каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болалардаги образли тафаккурнинг, асосан, борлиқни ўрганиш ва ўзлаштиришга йўналтирилган бўлиши аниқланиб, бунда махсус тайёргарлик ёки муайян мақсад белгиланмаслиги болалар образли тафаккурини катталардаги шундай тафаккурдан фарқловчи энг муҳим хусусият эканлиги асосланган;

болалар нутқидаги коннотатив ҳосилаларнинг катталар нутқидаги шундай ҳосилаларга нисбатан жуда жонли ва табиий, экспрессив бўёқдор бўлиши ўзбек болалар нутқи мисолида далилланган;

болалар нутқида ўхшатиш, муболаға ва жонлантиришни юзага келтирувчи экстралингвистик омиллар аниқланиб, мазкур стилистик воситалар объектив реаллик ҳақидаги билимларни ўзлаштираётган болаларнинг нутқида ташқи оламни билиш, улар учун янгилик саналган жумбоқларга жавоб топиш вазифасини бажариши аниқланган;

2–4 ёш оралиғидаги болаларнинг сўз ижод қилиш жараёни фаолияти бирликларини *болаларнинг ижодий сўзи* (БИС) термини билан номлаш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланиб, болалар нутқидаги БИСлар семантик, синтетик, тақлид, нутқий мослашиш усуллари орқали ҳосил қилиниши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги танланган мавзу доирасидаги муаммонинг аниқ белгилаб олинганлиги, тадқиқ объектига ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, таҳлилга тортилган лисоний материалларнинг асослилиги, замонавий лингвистик тадқиқотларда қўлланилган усуллардан фойдаланилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болалар образли тафаккури асосида уларнинг нутқида юзага келувчи ўхшатиш, жонлантириш, метафора каби тасвирий воситалар, аксиологик модалликни ифодаловчи лисоний бирликлар, лингвокреатив матнлардан иборат нутқий тузилмаларни тизимли равишда махсус тадқиқ этиш, уларнинг лингвистик қонуниятларини аниқлаш зарурияти асосланган;

болалар нутқида қўлланувчи лингвокреатив сўз ва матнлар бўйича тўпланган материаллар, оилаларда болалар нутқи асосида юритилган кундаликлардаги нутқий мисоллар болалар нутқига оид луғатлар, изоҳли луғатлар, лингвомаданий луғатлар учун манба вазифасини бажариши далилланган;

болалар нутқини образли тафаккур билан боғлиқликда тадқиқ этиш натижасида билдирилган фикрлар ва чиқарилган илмий хулосалар ўзбек тилшунослигининг онтолингвистика, психоллингвистика каби соҳалари бўйича тадқиқотлар яратишда муҳим илмий манба вазифасини ўташи асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили психоллингвистикасидаги болалар нутқининг тафаккур билан узвий жиҳатларига доир мавжуд илмий-назарий қарашларни янги билимлар билан бойитиши ҳамда тил ва тафаккур муносабатларини аниқлаш билан боғлиқ илмий изланишларда назарий асос вазифасини ўташи билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Психоллингвистика”, “Социоллингвистика”, “Лингвомаданиятшунослик”, “Прагмаллингвистика” каби махсус курсларни ўқитишда; психоллингвистикага оид дареликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, илмий рисоалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Образли тафаккур ва ўзбек болалар нутқини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тадқиқотда қўлланилган *образли тафаккур, лисоний яратувчанлик, антропоморфизм, кўргазмали-образли тафаккур, лингвокреатив ёндашув, сўз-ижод, матн ижодкорлиги* каби терминлар ўзбек тилшунослигининг замонавий тадқиқ йўналишига хос тараққиётни кўрсатувчи омиллардан бири эканлиги ҳақидаги хулосалардан ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида 2017-2019 йилларда амалга оширилган ОТ-Ф1- 78 “Ҳозирги глобаллашув даврида Ўзбек тили, унинг тарихий тараққиёти ва истикболлари (Ўзбек тилининг вазифавий услублари асосида)” мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг илмий услуб тараққиёти ёритилган ўринларда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 9 августдаги 3/1255-2199-сон маълумотномаси). Натижада ушбу терминлар мустақиллик даври терминологияси тараққиётини кўрсатувчи омил сифатида қайд этилган ва бу хусусидаги назарий фикрларнинг иллюстратив мисоллар билан далилланиш даражаси ортган;

республиканинг турли ҳудудларида яшовчи болалар нутқида қўлланган *чўкач, покко, голпаоқ, охо, шикка, йайа* каби сўзлардан 2018-2019 йилларда

ПЗ-2017-1024335 “Ўзбек шеваларининг лингвокультурологик тадқиқи” мавзусида бажарилган инновацион лойиҳада нутқий материал сифатида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 9 августдаги 3/1255-2199-сон маълумотномаси). Пировардида лойиҳада илгари сурилган ўзбек шеваларининг лингвокультурологик хусусиятлари ҳақидаги назарий фикрларнинг лисоний фактлар билан далилланиш даражаси ортган;

болалар тафаккури ва нутқи, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги илмий қарашлардан “O‘zbekiston” телеканалининг “Тилга эътибор”, “Ойдин ҳаёт – LIVE” кўрсатувининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 5 июлдаги 02-13-1213-сон маълумотномаси). Натижада телекўрсатув сценарийси мазмунан бойиган ҳамда мукаммаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та (4 та республика ҳамда 1 та хорижий журналларда) мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 135 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари белгиланган, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Образли тафаккур фалсафий-психологик ва лингвистик талқинда”** деб номланган биринчи бобида образли тафаккурнинг ўзига хос фалсафий-психологик хусусиятлари, унинг лингвистик табиати ҳамда болалар нутқини образли тафаккур шакли билан алоқадорликда тадқиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида фикр юритилади.

Бобнинг **“Образли тафаккурнинг фалсафий ва психологик тавсифи”** деб номланган биринчи фаслида образли тафаккур оламни образлар ҳаракати воситасида англаш, идрок этиш жараёни эканлиги, у инсониятнинг ибтидоий жамоа тузумидан то ҳозирги кунга қадар ҳаёт эҳтиёжи сифатида ҳамда болалар тафаккурида, қолаверса, ижодий жараённи юзага келтирувчи

тафаккур шакли сифатида яшаб келаётганлиги таъкидланади. Образли тафаккур тушунчасининг инсон тафаккурининг одатий фаолият жараёни ҳамда образларнинг бир-бирига кўчиши давомида тасаввурда пайдо бўладиган ғайриоддий ҳолатлар асосида юзага келадиган икки хил табиати хусусида фикр юритилади. Бу тафаккур шаклининг унга ёндош *образ* ва *образлилик* каби тушунчалар билан муносабати, *образ* тушунчасининг фалсафий-психологик моҳияти, унинг идрок, тасаввур, тушунча каби ақлий ва ҳиссий билиш шаклларида фарқли қирралари баён этилади.

Маълумки, онгнинг энг олий таркибий қисми саналган тафаккур инсониятнинг ўзи сингари қадимийдир. Унга доир манбаларни ўрганиш ҳам узок тарихга бориб тақалади. Шу сабабли тафаккурнинг назарий жиҳатдан махсус тури ҳисобланган образли тафаккурнинг фалсафа ва психологияда ўрганилишини қуйидаги тадриж асосида ўрганишни лозим топдик⁵:

- 1) эрамизгача бўлган давр фалсафаси (ҳинд, хитой, юнон фалсафаси асосида);
- 2) Шарқ Уйғониш даври фалсафаси;
- 3) замонавий давр фалсафаси ва психологияси.

Инсоният маданиятининг ўчоқларидан саналган Қадимги Ҳиндистон, Хитой қарийб бир даврда, яъни эрамиздан аввалги бир мингинчи йилнинг ўрталарида пайдо бўлиб, уларда олам, одам, тафаккур ҳамда тил масалалари асосий ўрганиш нуқтаси ҳисобланган. Антик давр намояндалари Демокрит, Платон, Арасту томонидан баён этилган тафаккур ва унинг образли кўриниши доирасидаги илмий-фалсафий мушоҳадалар эса, асосан, билиш жараёни ҳамда санъатдаги тақлид ва ўхшатишлар асосида ойдинлашади.

Шарқ (Марказий Осиё, Эрон, Хитой)да IX-XII асрларда давом этган Уйғониш даврининг етук намояндалари шеър, санъат ҳамда кундалик ҳаётда сўзлашувда акс этадиган образли фикрлаш хусусида алоҳида тўхталишади.

Образли тафаккур дунё фалсафасида антик давр файласуфларидан тортиб ҳозирги кунда Д.Дьюи, А.С.Никифоров, А.Г.Спиркин; психологияда Ж.Пиаже, Л.С.Выготский, Л.Л.Гурова, М.М.Сидоров, К.Б.Судаков, Л.Б.Ительсон, С.Л.Рубинштейн, А.Р.Лурия, Д.Кун, Ю.Б.Гиппенрейтер, Э.Ғ.Ғозиев⁶ каби олимларнинг илмий ишларида атрафлича ўрганилган. Мазкур тадқиқотлардан келиб чиқиб, диссертацияда образли тафаккур яшовчанлиги ва воқеланиш омили асосида таҳлил қилинди.

⁵ Психология фан сифатида фалсафадан XIX асрга келиб ажралиб чиққанлиги сабабли образли тафаккурнинг психологик талқинини фақат замонавий психология асосида тадқиқ этишни лозим топдик.

⁶ Сидоров М.М. Как человек стал мыслить? – М.: Политиздат, 1965. – 143 с.; Хрестоматия по общей психологии, М.: МГУ, 1979. – 272 с.; Никифоров А.С. Познание мира. – М.: Современная Россия, 1989. – 192 с.; Судаков К.Б., Рылов А.Л. Тайны мышления. Генетические поведения. – М.: Педагогика, 1990. – 128 с.; Выготский Л.С. Психология искусства. – Ростов н/Д: Феникс, 1998. – 480 с.; Спиркин А.Г. Философия. – М., 1999. – 816 с.; Дьюи Д. Реконструкция в философии. Проблемы человека. – М.: Республика, 2003. – 494 с.; Ительсон Л.Б. Лекции по общей психологии. – Минск: Хорвест, 2003. – 563 с.; Гурова Л.Л. Психология мышления. – М., 2005. – 135 с.; Выготский Л.С. Психология развития человека. – М.: Смысл, 2006. – 1136 с.; Гиппенрейтер Ю.Б. Общаться с ребёнком. Как? – М.: АСТ. Астрель, 2006. – 240 с.; Кун Д. Большая энциклопедия психологии. – Санкт-Петербург: Прайм-Еврознак, 2007. – 720 с.; Пиаже Ж. Речь и мышление ребенка. – Римис, 2008; Выготский Л.С. Мышление и речь. – М.: АСТ, 2008. – 668 с.; Ғозиев Э.Ғ. Психология. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – 352 б.; Рубинштейн С. Основы общей психологии. – М.: Питер, 2015. – 713 с.

Тадқиқотда образли тафаккур жараёнининг мия физиологиясида қай йўсинда кечиши ҳақида мулоҳаза юритилиб, унинг асосий манбаи миянинг ўнг ярим шари эканлиги ҳақида фикр юритилади.

Образли тафаккур воқеликни образлар ёрдамида идрок этувчи, хотира манбаидан фойдаланувчи, турли муаммоларни креатив йўллар воситасида ҳал этишга йўналтирилган фалсафий-ҳиссий тафаккур шакли ҳисобланади. У кўргазмали-ҳаракатли тафаккур ҳамда абстракт-мантиқий тафаккур шаклларида ўзининг вазиятлардаги ўзгаришлар, улар ҳақидаги тасаввурлар; тафаккурда нарса-ҳодисанинг табиатига алоқадор турли жиҳатларнинг гавдаланишига боғлиқлиги билан фарқланади.

Бобнинг иккинчи фасли **“Образли тафаккурнинг лингвистик талқини”** деб номланиб, унда образли тафаккурнинг нутқда лисоний бирликлар орқали ифодаланиши жаҳон тилшунослигида В.Фон Гумбольдт, А.А.Потебня, В.В.Виноградов, А.А.Шахматов, Н.Д.Арутюнова, В.К.Харченко, В.Н.Телия, В.Г.Гак, О.И.Блинова, Г.Н.Скляревская, Б.А.Серебренников кабиларнинг илмий изланишлари доирасида ўз аксини топганлиги таъкидланди. Хусусан, В.Фон Гумбольдт тил ҳаётнинг қайси жабҳасида ютуққа эришган бўлса, унинг асосий манбаси оламни кўришдаги жонлилик ва образлиликда⁷ эканлигини уқтирса, А.А.Потебня эса сўз ва унинг маъноси хусусидаги мулоҳазаларида сўз жонли тасаввури билан образли ҳамда бадий сўз эканлигини таъкидлайди. В.В.Виноградов бадий адабиёт тили ҳақида сўз юритиб, борлиқни образли ифодалашда бадий адабиёт асрлар давомида оғзаки бадий ижоддаги оламни поэтик жонлантириш асосида тўпланган ва фаол қўлланилаётган бой тажриба ҳамда образларга таянишига урғу беради⁸. Б.А.Серебренников образли тафаккурнинг асосий унсурлари сифатида ташқи оламдаги предметлар образларининг ҳаракатланишини, аниқроғи, у хотирада бутун бошли конкрет вазиятларни ёки улардан лавҳаларни, худди шундай вазият атрофидаги одамлар, ҳайвонларни ҳам акс эттиришини таъкидлайди. Н.Д.Арутюнованинг талқинига кўра эса, ҳаётда образли тафаккур жуда муҳим. Инсон нафақат моддий нарсалар ёки турли сезги аъзолари орқали қабул қилинган соҳалар орасидаги ўхшашликлар (қаттиқ металл ва қаттиқ овоз, илиқ ҳаво ва илиқ муносабат)ни илғаши, балки аниқ ва мавҳум объектлар, материя ва рух умумийлигини ҳам (*сув оқмоқда, умр оқмоқда* каби) идрок эта олиши лозим⁹.

Ўзбек тилшунослигида образли тафаккур алоҳида ўрганиш объекти сифатида тадқиқ қилинмаган бўлса-да, унга доир фикрлар М.Миртожиев, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Б.Умуркулов, Ш.Сафаров, Д.Худойберганова, М.Йўлдошев, Ш.Махмараимова кабиларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

⁷ Гумбольдт В. Фон Избранные труды по языкознанию. – М.: ОАО ИГ “Прогресс”, 2000. – С. 99.

⁸ Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – М.: Гослитиздат, 1959. – С. 86.

⁹ Арутюнова Н. Д. Метафора и дискурс. / Теория метафоры: Сборник: Пер. с англ., фр., нем., исп., польск. яз. – М.: Прогресс, 1990. – С. 7.

Б.Умуркулов “Поэтик нутқ лексикаси” китобида таъкидлаганидек, “Образли ифодалар ўз-ўзидан вужудга келмайди. Бундай ифодалар ижодкорнинг катта меҳнати ва ўткир тафаккурининг самараси сифатида вужудга келади. Баъзан бир фикрни баён этишда қатор-қатор образли ифодаларнинг қўлланилгани кузатиладики, бу ҳолатни кўпроқ поэтик нутқ учун хос деб баҳолаш мумкин”¹⁰. Профессор М.Миртожиев сўзнинг ҳосила маъносидан “...кўп ҳолларда ифоданинг образлилигини таъминлаш мақсад қилиб олинади... Сўзнинг юзага келган ҳосила маъноси образлиликни маълум вақт ўтгач, йўқотиши мумкин”, – деб таъкидлайди¹¹. Профессор Н.Маҳмудов ўхшатишлар ва уларнинг хусусиятлари тўғрисида тўхталар экан, уларни “...ўзига хос образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида юзага келади”¹², деб эътироф этади. Олимнинг фикрича, ўзбек тилидаги турғун ўхшатишлар, яъни фразеологик ибораларнинг компаратив тури “...халқнинг ўзига хос кўриш ва идрок йўсини, образли тафаккур ва тахайюл интизомини ҳам акс эттиради”¹³. Профессор Д.Худойберганова эса ўзбек тилидаги матнларнинг лингвомаданий хусусиятлари, хусусан, тасаввур асосидаги матнлар ҳақида маълумот бериб, бундай матн турлари “матн яратилиши жараёнига образли тафаккурнинг таъсирини яққол кўрсатувчи ҳодисалардан биридир”¹⁴, – деб таъкидлайди. Олимнинг фикрича, бундай матнлар “...оламни образли тафаккур призмасидан ўтказиб тасвирловчи бадий адабиётда...”¹⁵ кенг қўлланади. Унинг “Ўзбек халқ мақоллари, иборалар, турғун ўхшатишлар, нутқий этикетлар, топишмоқларда ҳам халқимизнинг образли тафаккури, воқеликни тил воситасида қабул қилиш ва ифодалашнинг ўзига хос жиҳатлари ёрқин намоён бўлади”¹⁶, – деган фикрлари жуда ўринли. Профессор М.Йўлдошев тил ва тафаккур уйғунлигини эътироф этар экан, “Албатта, дунёни билишнинг асосий йўли бўлган мантиқий тафаккур бўладими, оламни идрок этишнинг бошқа бир ўзига хос усули бўлган образли тафаккур бўладими, барибир, тил ва тафаккур диалектикаси ҳамиша мавжуддир, яъни тилсиз тафаккурнинг, тафаккурсиз эса тилнинг яшаши мумкин эмас”¹⁷, – дейди. Олима Ш.Махмараимова образли тафаккурни воқелантирувчи шаклларида бири ҳисобланган метафоралар хусусида фикр юритиб, “...метафора инсон ҳаётининг ҳар бир соҳасида мавжуд: унинг фикрлаши, кузатувлари ва умуман, ҳис этиб идрок этиши – барча-барчаси метафорик хусусиятлидир”¹⁸ деган қарашни баён қилади.

¹⁰ Умуркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 56.

¹¹ Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б. 142.

¹² Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – Б. 161.; Шу муаллиф. Ўхшатишларда миллий менталлик жозибаси. // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2019. – № 2. – Б. 5-8.

¹³ Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – Б. 161.

¹⁴ Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 118.

¹⁵ Худойберганова Д. Кўрсатилган асар. – Б. 120.

¹⁶ Худойберганова Д. Тил. Тафаккур. Маданият. – Тошкент, 2020. – Б. 8.

¹⁷ Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 6.

¹⁸ Махмараимова Ш. Лингвокультурология. – Тошкент, 2019. – Б. 121.

Хуллас, образли тафаккур инсониятнинг универсал тафаккур шакли саналиши билан бирга, муайян халқнинг адабиёти, санъати, мақол, ибора, турғун ўхшатиш, метафора, қарғиш, дуо ва олқишлар, нутқий этикетлар, топишмоқлар каби лингвомаданий бирликларида инъикос этувчи, халқнинг ментал ўзига хослигини ифодаловчи ҳиссий-руҳий тафаккур шаклидир.

Бобнинг **“Образли тафаккур ва болалар нутқи алоқадорлигини лингвистик аспектда ўрганиш муаммолари”** деб номланган учинчи фаслида болалар тафаккури ва нутқи, унинг ўзига хос хусусиятларига инсониятнинг ибтидоий тафаккури, сўзлашиш тарзи ёки оддий тақлид натижасида ҳосил қилинган нутқ сифатида қараб келинганлиги, 19-аср ўрталаридагина унга бўлган илмий қизиқиш ортиб борганлиги ва 20-асрнинг биринчи ярмига келиб кундаликлар асосида (Ипполит Тэн, Чарльз Дарвин, Вильям Прейерлар, Клара ва Вильгелм Штурнов, Леопольд Вернер, И.А.Бодуэн де Куртене, А.Н.Гвоздевлар ташаббуси билан) олиб борилган тадқиқотлар эълон қилинганлиги¹⁹ ҳақида фикр юритилади.

Ҳозирги кунда тилшуносликнинг болалар нутқини ўрганувчи навқирон соҳаси – онтолингвистика (*юнонча* *ontos* – борлик + лингвистика < *лотинча* *lingua* – тил) дунё миқёсида жадал ривожланиб бораётир. Таассуфки, ўзбек тилшунослигида бу борада олиб борилган илмий тадқиқотлар бармоқ билан санарли даражада. Ўзбек болалар нутқи лингвистик, социопсихоллингвистик ҳамда прагмалингвистик аспектда монографик ҳолда ўрганилганига қарамай²⁰, соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар етарли.

Болалардаги образли тафаккур ибтидоий давр кишиларининг тафаккури сингари, асосан, борликни ўрганиш ва ўзлаштиришга йўналтирилган бўлиб, бунда махсус тайёргарлик ёки муайян мақсад белгиланмайди. Бу болалар образли тафаккурининг катталардаги шундай тафаккурдан фарқланувчи энг муҳим белгисидир. Энг қизиғи, образли тафаккурнинг универсал хусусиятлари билан бир қаторда унинг миллий-хусусий характерга ҳам эгаллигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Масалан, *она* қуёшли мамлакатларда қуёшга ўхшатилса, *булутлар* болалар образли тафаккурида асосан отларга қиёсланади. Бу ўша миллатнинг қадриятлари, яшаш тарзи, тарихи ҳамда иқлим муҳити билан ҳам боғлиқ тарзда юзага келади. Масалан, қайси миллатнинг боласи булутни юмшоққина ёстикқа ўхшатса, қайсидир миллатда ёстик қаттиқ бўлиши талаб қилинади ва бундай ўхшатиш бола тафаккурида ассоциация ҳосил қилмаган бўлади. (Умуман, миллий тафаккур муаммолари бугунги кунда *маданий нейро-фан (культурная нейронаука)* номли соҳада тадқиқ қилинмоқда).

¹⁹ Цейтлин С.Н. Язык и ребёнок: Лингвистика детской речи. – М., 2000. – С. 7-9.

²⁰ Исмаилов М.С. Грамматические способы выражения пространственных отношений при двуязычии (на материале узбекско-русского раннего двуязычия): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1988. – 23 с.; Сайидирахимова Н.С. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 126 б.; Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 154 б.; Қурбонова М.А. Ўзбек болалари нутқининг прагмалингвистик аспекти: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, 2018. – 160 б.

Болаларнинг образли тафаккури натижасида шундай кутилмаган матнлар ҳосил бўладики, улар бизга хаёлот маҳсули бўлиб туюлади. Аслида эса бу “фантазия” бола учун ҳақиқатдир. Қуйидаги матнга эътибор беринг.

Сайр қилиб юрган Азизбек бувисидан сўради:

– *Буви, буви, ариқдаги сув қаёққа кетяпти?*

– *Ўзинг айта қол, болажоним,– деди бувиси.*

– *(Бир оз ўйланиб) Сувнинг ойиси узо-о-оққа кетиб қолибди. У ойисини қидириб кетяпти. (Азизбек, 3 ёш)*

Болалар нутқида лисоний яратувчанлик ҳам энг фаол ҳодисалардан бири ҳисобланади. Масалан, бошқа агглютинатив тиллар сингари ўзбек тилида ҳам сўз ясовчи кўшимчалар воситасида янги сўз ҳосил қила билиш имконияти мавжуд. Ташқи олам ва ўз-ўзини англаш болаларда тил орқали кашф этилар экан²¹, у сўз ясалиш имкониятини ҳам пухта ўзлаштира олади. Масалан:

– *Ойбек, пайпогинг қани?*

– *Ой-и-и, пайпоқ эмас, оёқ қоп. Қўл-қоп, оёқ-қоп. Кўрдингиз?! (Ойбек, 4 ёш).*

Умуман, болалар образли ва ижодий тафаккури асосида юзага келувчи ўзига хос нутқий тузилмаларни тизимли равишда махсус тадқиқ этиш, уларнинг лингвистик қонуниятларини аниқлаш ўзбек тилшунослигининг психолингвистика йўналиши ривожига хизмат қилиши билан бир вақтда ҳозирги глобаллашув даврида миллатимиз келажаги бўлган ёш авлоднинг миллий тафаккури ва миллий тили шаклланишига хос хусусиятларни ёритиш имконини ҳам беради.

Айтиш жоизки, болалар нутқининг ушбу масала билан алоқадор ўзига хос жиҳатлари Европа тилшунослигида Р.Браун, Е.Кларк, М.Брейн, Д.Слобин, М.Бауерман²²; рус тилшунослигида О.С.Ахманова, А.Н.Гвоздев, А.А.Леонтьев, В.К.Харченко, А.М.Шахнарович, С.Н.Цейтлин, Т.А.Гридина-ларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган²³. Хусусан, С.Н.Цейтлин илмий тадқиқотларида образли тафаккурнинг болалар нутқида сўз ижод қилиш жараёнида кузатиладиган специфик хусусиятлари; В.К.Харченко, Т.А.Гридина, Н.В.Глушевская, О.В.Шабалина, Н.М.Голеваларнинг илмий ишларида эса болалар нутқида сўзларнинг коннотатив маъно англашиш хусусиятлари тўғрисида фикр юритилади.

²¹ Буслаев Ф. И. О преподавании отечественного языка. – М., 1973. – С. 380.

²² История развития онтолингвистики https://spravochnick.ru/yazykoznanie_i_filologiya/ontolingvistika

²³ Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. – М.: Учпедгиз, 1957. – 295 с.; Гвоздев А.Н. Вопросы изучения детской речи. – М.: Изд-во Акад. пед. наук РСФСР, 1961. – 471 с.; Леонтьев А.А. Психолингвистические единицы и порождение речевого высказывания. – М.: Наука, 1969. – 397 с.; Харченко В.К. Переносные значения слова. – Воронеж: Изд-во Воронеж, 1989. – 195 с.; Голева Н.М. Сравнение в детской речи: Конец XX в.: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Новгород, 1997. – 184 с.; Цейтлин С.Н. Язык и ребенок: Лингвистика детской речи. – М: ВЛАДОС, 2000. – 240 с.; Глушевская Н.В. Полисемантическое слово в речи ребенка дошкольного возраста: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Пермь, 2002. – 27 с.; Гридина Т.А. Онтолингвистика. Язык в зеркале детской речи: учебное пособие. – М., 2006. – 306 с.; Шабалина О.В. Структура и функционирование метафоры в детской речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Пермь, 2007. – 21 с.

Ўзбек онтолингвистикасида эса образли тафаккурнинг болалар нутқида ифодаланишига оид фикрлар М.Курбонованинг “Ўзбек болалари нутқининг прагмалингвистик аспекти”²⁴ монографиясининг коннотацияга оид фаслидаги маълумотларда ўз аксини топган.

Образли тафаккур асосидаги болалар нутқини тадқиқ этишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

1. Болалар образли тафаккурининг катта ёшдагилар тафаккуридан фарқли жиҳатларини аниқлаш.

2. Болалар образли тафаккурининг вербаллашувида амал қилувчи психоллингвистик омилларни аниқлаш.

3. Болалар образли тафаккури ҳосилаларининг лисоний шаклларини белгилаш.

4. Болалар образли тафаккурининг миллий-маданий шароит билан узвийлигини аниқлаш.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, образли тафаккур ва болалар нутқи алоқадорлигини ўрганиш:

а) болалар томонидан тил бирликларининг ўзлаштирилиши ва шаклланишини;

б) тил бирликларининг қай йўсинда воқеланишини;

в) болалар нутқи онтогенезини;

д) бола тафаккури нечоғли тараққий этаётганини кузатиш ва муайян илмий хулосаларга келиш имконини беради.

Диссертациянинг **“Образли тафаккурнинг болалар нутқида коннотатив ҳосилалар ва стилистик воситалар орқали воқеланиши”** деб номланган иккинчи бобида болалар нутқида образли тафаккур орқали ҳосил қилинган метафора, метонимия каби коннотатив ҳосилалар; ўхшатиш, муболага, жонлантириш сингари тасвирий воситаларнинг ҳосил бўлиши хусусида фикр юритилади.

Бобнинг биринчи фасли **“Образли тафаккурнинг болалар нутқида коннотатив ҳосилалар орқали воқеланиши”** деб номланган. Баъзи олимлар (Л.С.Виготский, Ж.Пиаже, С.Л.Рубинштейн, А.М.Шахнарович) болалар нутқида метафоралар учрамайди дейишса, айримлар эса (Э.Виннер, М.Б.Елисеева, К.Фюнфштюк, В.К.Харченко), аксинча, 2-3 ёшдаёқ бола метафорадан фойдаланади, деб таъкидлайди²⁵.

Болаларнинг метафораларга ҳали кўникмаганлиги уларда баъзан акс таъсир ҳолатини туғдириши ҳам мумкин. Чунки метафораларга тафаккур шунчалар эҳтиёж сезадики, инсон уларни нутқида қўллаганида бундай бирликларнинг коннотатив хусусияти ҳақида мутлақо тасаввурга ҳам эга бўлмайди. Болалар ҳам бундай эҳтиёжларни ўзлаштириб олишганки, фақат сўзнинг ўз маъносига урғу берган ҳолдагина сергак тортишиб, эътироз билдиришлари мумкин.

Болалар нутқида метафора икки хил, яъни:

²⁴ Курбонова М.А. Ўзбек болалари нутқининг прагмалингвистик аспекти. – Тошкент, 2018. – Б. 142.

²⁵ Шабалина О.В. Структура и функционирование метафоры в детской речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Пермь, 2007. – С. 3.

а) номлаш (номинатив); б) баҳолаш вазифаси учун қўлланади. Масалан:
...*Бувижон, момақалди роқни кўрдингизми, осмонда шундай чақдики, ҳатто чақмоқнинг илдизларигача кўриниб кетди, ўз кўзим билан кўрдим, – деб ҳовлиқди.* (М.Содиқова. Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам.)

Ушбу мисолда бола чакмоқдан тарқалаётган электр қувват йўналишларини илдизга қиёслаб, янгича номлайди. Кейинги мисолда эса бола нутқида метафора муайян жараёнга баҳо муносабатини билдириш мақсадида ҳосил бўлган.

...*Кўйлагини ювсам, гули кетинқиради, уни кўриб: “Кўйлагимнинг гули сўлиб қолди”, – деб хафа бўлиб юрибди.* (Шухрат. Олтин зангламас)

Тадқиқот давомида болалар нутқида метафораларнинг юзага келишида уч хил муносабат кузатилди:

1. Нарса – метафора – тил. Масалан:

Кеча кўчадан келиб: “Фаттоҳ китобининг пальтосини йиртиб қўйди”, – деб бирам куйиб-тишади, асти қўйинг. Суриштирсам, китобнинг қалин муқоваси йиртилган экан. (Шухрат. Олтин зангламас)

2. Ҳаракат – метафора – тил. Масалан:

Сиз келмасингиздан олдин водопровод жилдираб оқса: “Сув чарчаб қолибди!” – деб юрибди. (Шухрат. Олтин зангламас)

3. Белги – метафора – тил. Масалан:

Меҳмонга борган болакай деворда осиглиқ жигарранг суратга қараб, акасига деди:

– *Ака, қаранг, шоколадли расм экан.* (Жонибек, 4 ёш)

Кузатувларимиз шуни кўрсатадики, болалар нутқида метафорага нисбатан метонимия ҳодисаси камроқ қўлланади. Бир томондан, “...болалар учун нарса ва ҳодисаларнинг алоқадорлигини топиш ва уларни таснифлашдан кўра ўхшашликка мурожаат этиш осонроқ”²⁶ бўлса, иккинчидан, бу тафаккур фаолияти билан боғлиқ. Метонимия ҳам болалар нутқида борлиқни ўрганиш воситаси сифатида нутқда воқеланар экан, унинг қўйидаги муносабат турларини кузатиш мумкин:

а) **маҳсулот ва ном.** Масалан, беш яшар Саъдулла ширгуручни *ошсут*, маставани *ошишўрва* деб номлайди. Аслида гуруч + сут, гуруч + шўрва қолипи назарда тутилаётган бўлса-да, бола *гуруч* сўзини *ош* сўзи билан алмаштирмоқда. Бунинг сабаби ўзбек тафаккурида *гуруч* сўзи нафақат болаларда, ҳатто катталарда ҳам миллий таом саналган *ош* ассоциациясини беради. Иккинчидан, *гуруч* сўзининг талаффузидан кўра *ош* сўзининг талаффузи бола учун осонроқ саналади;

б) **объект ва нарса.** Масалан:

– *Шукрулло, бугун қаердан келдингиз?*

– *Шим олишдан.* (Шукрулло, 4,5 ёш. Бола тилидан)

в) **белги ва белги.** Масалан:

– *Богчада нима янгиликлар?*

²⁶ Аввакумова Е.А. Метонимия в речи детей. // Мир науки, культуры, образования. – Алтай, – 2014. – № 4 (47). – С. 245.

– *Богчада ҳамма уришади.*
– *Нимага?*
– *Мани...*
– *Нимага сизни уришади?*
– *Шаҳноза опамларнинг асаблари хато-де-е-е.*
– *Нимага асаблари хато?*
– *Ўзларининг асабларини бузадилар...* (Абдумўмин, 4,5 ёш. Бола тилидан)

Бобнинг иккинчи фасли “**Образли тафаккурнинг болалар нутқида ўхшатиш ва муболаға воситаси орқали ифодаланиши**” деб номланади. Ушбу фаслда болалар нутқида қўлланадиган ўхшатиш ва муболағаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Болалар нутқида қўлланадиган ўхшатишлар бетакрорлиги, оригиналлиги ҳамда кутилмаганлиги билан фарқланиб туради. Улардаги ўхшатиш, таққослаш жараёнлари катталарникига нисбатан жуда фаол.

Тадқиқотда болалар нутқидаги ўхшатишларни юзага келтирувчи омиллар аниқланди ва қуйидагича таснифланди:

1. Жараёнлар алмашинуви асосида. Масалан:

Тупроққа юмалашиб, чангни тўзгитаётган товуқларни кўрган Самуғ акасига: – Ака, товуқлар тупроқда сузишни ўрганишияптими? – деди. (М.Содиқова. Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам)

2. Истеъмол қилинадиган маҳсулотлар асосида. Масалан:

– *Муаллима мактабга*

Олиб келди зўр тарвуз.

– *Кўзингни оч каттароқ,*

Бу тарвузмас, глобус. (Қ.Исмоил. Тарвуз эмас)

3. Ўйин жараёни асосида. Масалан:

Ойиси билан сайр қилиб юрган болакай бирдан осмонга қараб бор овозда деди:

– *Ойи, ойи, қаранг, анави булут худди танкимга ўхшаркан.* (Умар, 5 ёш)

4. Табиат билан боғлиқлик асосида. Масалан:

Дадаси билан тоққа чиққан болакай настга қараб ҳайрат билан қичқирди:

– *Дада, дада, қаранг, анави йўлчалар худди илонга ўхшаркан.* (Билол, 4 ёш)

Болалар нутқида қўлланаётган ўхшатишлар тафаккурни ривожлантирувчи муҳим омил сифатида ўзида чуқур образли мазмунни мужассам қилиб, номинациянинг асосий таркибий қисмларидан бири саналади, айни вақтда, улар дунёни эмоционал идрок этиш, нутқий анъаналарни асраш ва ўзига хос тарзда етказиш усули ҳам ҳисобланади²⁷.

Болалар нутқида муболаға қўлланар экан, бунда бола субъектив мақсадни кўзламайди. Муболағаларга бўлган нутқий эҳтиёж болаларда кўп

²⁷ Голева Н.М. Сравнение в детской речи: Конец XX в.: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Новгород, 1997. – С. 6.

ҳолларда имкониятсизлик натижасида вужудга келади. Энг қизиғи, бола ўз нутқида қўллаётган бу тасвирий ифодага жуда эътиборини ҳам қаратмайди. Чунки болалардаги муболаға ҳам бошқа тасвирий воситалар сингари ўта табиий пайдо бўлади. Масалан:

Ўқувчи чизган расмини ўқитувчига кўрсатди:

– *Мана бу қоғозга қаранг, ўтлоқда сизир ўтлаб юрибди.*

– *Ие, сизир бор-у, ўтлоқ йўқ-ку!*

– *Ҳамма ўтларни сизир еб қўйди-да.* (Кичкина деманг бизни...)

Л.С.Виготский таъкидлаганидек, болалар катталардан кўра ўзларининг фантазияларига кўпроқ ишонишади²⁸. Буни қуйидаги мисолда ҳам кузатиш мумкин:

Кечаси билан йўталиб, эртаси овози бўғилиб қолган уч яшар Сарвар ойисига шивирлаб деди:

– *Ойи, менинг овозим йўқолиб қолди...* (Кичкина деманг бизни...)

Келтирилган мисолда бола йўқолиш ҳаракати нима эканлигини тўлиқ идрок эта олмаган ҳолда овозининг йўқолиб қолганлигидан шикоят қилмоқда. Ҳолбуки, йўқолган нарса айти вазиятда сўзловчи ва тингловчи учун номаълум жойда эканлиги билан характерланади. Бола эса ўша “йўқолган” овози билан гапираётганини эътиборга ола билмайди.

Шундай қилиб, болаларда сўз маъноларининг муболаға (мейоза ва гипербола) орқали ўзлаштирилиши уларда ҳиссий ва ақлий ривожланишнинг камол топаётганлигидан, тил ва унинг бирликларини ҳис этаётганлигидан ҳамда оламнинг моддий ва номоддий алоқадорликлари ҳақида тасаввури кенгайиб бораётганлигидан далолат беради²⁹.

Бобнинг учинчи фасли **“Образли тафаккурнинг болалар нутқида жонлантириш усули орқали ифодаланиши”** деб номланган. Инсон азалдан борлиқни ўз тана аъзоларига қиёсан тушунишга, ўрганишга ҳаракат қилганлиги сабабли унинг жисмидаги барча аъзоларнинг номи бошқа нарсалар номига кўчирилиб, кўпмаънолилик характериға эға бўлган. Масалан: *йўлнинг боши, чойнакнинг бурни, оловнинг тили*. Инсон худди шундай ўзига хос хатти-ҳаракат, хусусиятларни ҳайвонлар ҳамда жонли, жонсиз нарсаларға нисбатан ҳам шу мақсадда қўллаган. Масалан: *қуёш тоғлар ортиға беркинди, мажнунтол эгилиб салом берди, осмон қовогини солди, гул яйраб кетди* каби. Образли тафаккурнинг айнан мана шу жуда муҳим шакли жонлантириш саналадики, бу тасвир воситаси бизға узок ибтидоий ўтмишдан афсоналар, эртақлар сўзлаб келган.

Ўзбек тилшунослигида бу тасвирий воситаға турлича ёндашувлар кузатилади. Хусусан, Б.Умурқулов жонлантиришни метафора, ўхшатиш, сифатлаш, метонимия, символлар қаторида бадий восита деб таъкидлаб, *ел шивирлар, поезд қичқирар, ўйнайди шалола* каби бирикувларни кенгайган метафоралар сирасида талқин этади³⁰. Тўғри, метафорада ҳаракат номининг

²⁸ Виготский Л.С. Воображение и творчество в школьном возрасте. – М., 1930. – Б. 67.

²⁹ Амзаракова И.П. Преувеличение и преуменьшение как маркеры речевого развития ребёнка: акмеологический подход. // Филология и человек. – Алтай, – 2019. – № 2 – С. 131.

³⁰ Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 110.

ҳаракат номига кўчиш ҳолати кузатилади. Аммо жонлантиришга “...одамларга хос бўлган хислатларни жонсиз предметлар, табиат ҳодисалари, ҳайвон, парранда, қуш қабилага кўчириш...”³¹ деб таъриф берилар экан, бизнингча, бундай бирикувларни ёки жонлантириш деб аташ, ёки бу бирикувларга икки хил ёндашиш, яъни *ел шивирлар, поезд қичқирар, ўйнайди шалола* каби бирикувлар кўчма маъно ифодалашига кўра метафора, бадий-тасвирий ифодасига кўра жонлантириш деб баҳоланиши лозим. Ва юқоридаги метафора, метонимияларни анъанага кўра кўчма маъноли сўзлар сирасида; жонлантириш, ўхшатиш, сифатлаш, символларни эса бадий-тасвирий восита сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

“Л.Джалолова эса жонлантиришни метафорадан кескин фарқ қилиб, уни мустақил тасвирий восита сифатида талқин этади”³². М.Миртожиев жонлантиришни *персонификация* атамаси билан юритиб, “...метафоранинг ҳосил қилувчи маънонинг жонли референти билан ҳосила маънонинг жонсиз референти ўртасидаги қиёсга, ўхшашликка асосланган кўринишидир. Метафоранинг бу кўринишида ҳам сўзнинг лексик маъно референти ҳосила маъно референти билан сиртқи белги, ҳаракат ёки ҳолат хусусияти вазифаси қабила доирасида ўхшаш бўлаверади. Аммо бу ўхшашлик ҳосила маъно референтига жонли ҳолат бахш этиш орқали юзага чиқади. Мана шу хусусият *персонификация* учун асосдир”³³, – деб таъкидлайди. Ш.Т.Махмараимова ҳам “ушбу фикр илмий ҳақиқатни ифода этади”³⁴, – деб олимга ҳамфикрлигини таъкидлаб ўтади. Бизнингча эса, метафора ҳам, жонлантириш ҳам ўхшатиш асосида юзага келади. Д.Худойберганованинг фикрига кўра, “Жонлантириш асосида яратилган матнлар матн тузувчининг прагматик мақсадига кўра, асосан, икки хил кўринишга эга: 1. Тасвирийлик яратиш мақсадида тузилган матнлар. 2. Аксиологик модаллик яратиш мақсадида тузилган матнлар”³⁵. Болалар нутқида эса унга қуйидаги ҳолларда мурожаат этилади:

1. Муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида.
2. Вазиятни баҳолаш мақсадида.

Болалар нутқидаги жонлантиришнинг юзага келиши тилшуносликда икки омил асосида ўрганилган. Биринчиси болалар ўйинларини, онанинг нутқини, эртак эшитиш жараёнини, мультфильм ёки турли интернет ўйинларини ўз ичига олувчи нолисоний омил ҳисобланса, иккинчиси – интралингвистик омил³⁶.

Маълумки, жонлантиришда асос инсон саналиб, жонлантириш объекти турлича бўлиши мумкин. Бизнингча, ҳар бир жонлантиришда сабаб ва

³¹ Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 344 б. – Б. 212.

³² Махмараимова Ш.Т. Оламнинг миллий лисоний тасвирида метафора (ўзбек тили теоморфик метафораси материаллари асосида) :Монография. – Тошкент, 2019. – Б. 16.

³³ Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент, 2010. – Б. 98.

³⁴ Махмараимова Ш.Т.Кўрсатилган монография. – Б. 112.

